



**Surxondaryo viloyat Jarqo'rg'on tumani hokimi**  
**Сурхондарё вилоят Жарқўрғон тумани ҳокими**  
**QAROR - ҚАРОР**

« 3 » февраль 2017 йил

№ 82

Jarqo'rg'on tumani

**Жарқўрғон туманидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар, шунингдек машина трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами – 2452, 25.04.2013 йил) га асосан 2017 йилда юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган барча қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар, машина трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (кейинги ўринларда Техникалар деб юритилади) мажбурий техник кўриқдан ўтказишни ташкил қилиш мақсадида

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н:**

1. Барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва белгиланган тартибда машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича Жарқўрғон туман давлат инспектори томонидан рўйхатдан ўтказилган барча техникаларнинг 2017 йилда мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши таъминлансин.

2. Тумандаги барча техникаларни рўйхатини шакллантириш ҳамда техник кўриқдан ўтказиш қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича Жарқўрғон туман давлат инспектори (С.Сулаймонов) зиммасига юклатилсин.

3. Техник кўриқни ўтказишда:  
барча техникаларнинг техник ҳолати ва жиҳозлари стандарт талабларига, йўл ҳаракати ва техника хавфсизлиги қоидалари ҳамда нормаларига мос келиши;

техник кўрик бошлангунга қадар барча диагностика аппаратлари текширилиши, махсус техникалар, ҳаракатланувчи таъмирлаш ва тузатиш устахоналарининг жиҳозланганлигига алоҳида эътибор қаратилсин.

4. 2017 йилда техник кўрикни уюшқоқлик билан сифатли ўтказиш, техникаларнинг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш мақсадида, техник кўриқдан ўтказиш бўйича комиссиянинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича Жарқўрғон туман давлат инспектори (С.Сулаймонов)га 2-иловага асосан тасдиқланган техник кўриқдан ўтказиш иш режасини ҳар бир техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) етказиш ҳамда ўз вақтида бажарилишини таъминлаш юклатилсин.

6. 2017 йил давомида техникаларнинг техник кўриқдан ўтказилганлиги учун давлат инспектори томонидан ундириладиган йиғимларнинг ставкалари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Тумандаги ҳар бир мулкдор техник кўриқдан ўтказиладиган техникалар тўғрисидаги далолатномаларни тўлдириш ва техник кўриқдан ўтказиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этишда белгиланган муддатларга қатъий риоя қилсин.

8. Суғурта ташкилотларига тумандаги барча тракторлар, ўзи юрар шассилар, мелиоратив йўл-қурилиш техникаларидан тушадиган мажбурий суғурта бадалини ундириш тавсия қилинсин.

9. Туман ҳокимининг 2016 йил 20-январдаги 43-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Шопулатов зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Туман ҳокими



З.Ў.Давлатов